

Мамодиёров О. У.
Тошкент молия институти докторанти
Акбарова К.А.
ТДШИ ассистенти

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕЗОНЛАРИ ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ

Аннотация: Мақолада озиқ-овқат хавфсизлигини таҳлил қилишда ишлатиладиган кўрсаткичлар ва озиқ-овқат хавфсизлиги аниқлаш меъзонлари ёритилган.

В статье рассматриваются показатели продовольственной безопасности и критерии анализа продовольственной безопасности.

The article discusses food safety indicators and criteria for analyzing food safety.

Калит сўзлар: озиқ-овқат хавфси; давлат, иқтисодий хавфсизлик; ички омил, ташқи омил, аҳоли, ғалла захираси; коэффициент, импорт, меъёрий истеъмол, реал истеъмол.

Ключевые слова: продовольственный безопасность, государство, экономическая безопасность, внутренний фактор, внешний фактор, население, запасы зерна, коэффициент, импорт, норма потребление, реальное потребление.

Key words: food security, state, economic security, internal factor, external factor, population, grain reserves, coefficient, import, consumption rate, real consumption.

Озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи давлат иқтисодий хавфсизлиги масаласининг муҳим бир таркибий қисми сифатида эътироф этишимиз мумкин. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш учун аҳолини етарли даражада озиқ-овқат билан таъминлашни ифода этувчи кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада таъминлаш барча давлатларнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги долзарблигини асослашда шуни таъкидлаш керакки, мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон саломатлиги ва умрини узоклигининг 70% унинг овқатланиш ва ҳаёт тарзига, 20% тиббий хизмат ҳолатига ва 10% унинг ҳаётий туғма кўрсаткичларига боғлиқ бўлади, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра ҳар йили дунё бўйича икки миллионга яқин одам овқатдан захарланади ва шу сабали оламдан ўтади, дунё аҳолисининг озиқ-овқат танқислиги муаммосидан хабардорлигини ошириш мақсадида ҳар йили 16 октябрда “Халқаро озиқ-овқат куни” кенг нишонланади.

Озиқ-овқат хавфсизлигининг ифода эувчи бир қанча кўрсаткичлар мавжуд бўлиб, асосий кўрсаткич аҳоли истеъмоли учун зарур озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини мамлакатдаги мавжуд озиқ-овқат маҳсулотлари захираси эвазига таъминлай олиш кунлари ҳисобланади.[1]

ФАО мутахассисларининг таъкидлашича озиқ-овқат хавфсизлиги

таъминлаш деганда бутунжаҳон ҳосилининг 17% миқдорига тенг захира ёки сайёрамиз аҳолиси истеъмоли учун керакли икки ойлик захира мавжудлиги тушунилади.[2]

ФАО методи бўйича озиқ-овқат хавфсизлиги 2та кўрсаткич билан аниқланади:

1) кейинги ҳосилгача етарли бўлган ғалла захираси, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ғалла ишлаб чиқариш билан аниқланади (агар захирадаги ғалла 60 кунга етарли бўлса ёки жами ғалла истеъмолининг 17% захирада мавжуд бўлса озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланган ҳисобланади.

2) аҳоли жон бошига тўғри келадиган ғалла миқдори динамикаси.

Мамлакат даражасидаги озиқ-овқат хавфсизлиги деганда миллий ишлаб чиқарувчилар томонидан озиқ-овқат маҳсулотларининг етарли даражада тайёрланиши тушунилади. Мамлакатда аҳолининг ички истеъмоли учун етарли даражада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши шарт. Агар ички имкониятлари аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга етмайдиган бўлса, унда импорт қилиш эвазига аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириши шарт.

Озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлаш турли хил кўрсаткичларга асосланиб аниқланади жумладан, аҳоли жон бошига тўғри келадиган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли даражаси, миллий ишлаб чиқарувчилар имкониятлари асосида мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондирилиш коэффиценти (жами истеъмол ва миллий маҳсулотлар истеъмолини таққослаш), озиқ-овқат хавфсизлиги индекси. Озиқ-овқат хавфсизлиги индекси мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан ҳақиқатда таъминланган ёки таъминланмаганлигини тўлиқ кўрсатиб бера олмайди.[2]

Озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлашда давлат миқёсидаги ва ҳудудлар миқёсидаги таъминланганликни ўрганиш барча инсонларнинг озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланганлигини ёритиб бера олмайди шу сабабли уй хўжаликлари учун керакли товарларни олиш имкониятларини ҳам ҳисобга олиш шарт бўлади. Озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлашнинг миқдор кўрсаткичларига асосланган ҳолда юзага келадиган хавфни олдиндан аниқлаш мумкин ва уни бартараф этиш чора-тадбирларини тайёрлаб хавфни четлаб ўтиш мумкин бўлади.

Хавфсизлик индикаторларини бир биридан фарқланувчи асосий кўрсаткич – бу уларнинг келиб чиқиш сабабларини ички ёки ташқи омилларга боғлиқлиги аҳамиятидир.

Озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлашга тўсиқлик қилувчи **биринчи омил бу ички таҳдид бўлиб**, аҳолининг энг кам таъминланган ва энг яхши таъминланганлари даромадлари ўтасидаги фарқнинг катталиги билан аниқланади. Даромадлар орасидаги фарқ катталашган сари жамиятда ижтимоий-иқтисодий танглик, ҳамда турли табақадаги аҳоли қатламлари орасида зиддиятлар вужудга келади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга тўсиқлик қилувчи **иккинчи**

омил бу ташқи таҳдид бўлиб мамлакатнинг ташқи қарзларини хаддан ташқари кўпайиб кетганлиги, жохон озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида мамлакатнинг мавқеини ортиши ёки тушиб кетиши билан тавсифланади.[3]

Мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини етарли даражада таъминлай олишини баҳолашда яна шундай бир кўрсаткичдан фойдаланиладики унга кўра озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлай олиш даражаси 70-80 фоиздан кам бўлмаслиги керак, агар мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотлари импортига талаби умумий истеъмоли ҳажмининг 20-30 фоиздан ортиб кетса, бошқа шароитларни ўзгармас деб олган тақдирда ушбу мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш стратегик жиҳатдан бошқа мамлакатларга тобъе бўлиб қолади. [4]

Озиқ-овқат хавфсизлиги аниқловчи кўрсаткичлар 3 га бўлинади:

1. Умумий;
2. Хусусий;
3. Билвосита.

Озиқ-овқат хавфсизлиги аниқловчи умумий кўрсаткичларга қуйдагилар киради: озиқ-овқат маҳсулотларини олишнинг иқтисодий имкониятлари коэффиценти, озиқ-овқат маҳсулотлари олишнинг энг кам имкониятлари коэффиценти, озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг етарлилиги коэффиценти, истеъмолнинг етарлилигининг энг кам даражадалиги коэффиценти.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш озиқ-овқат маҳсулотлари олишга иқтисодий томондан таъминланганлик билан аниқланади ва бу кўрсаткич қуйдаги формула билан ҳисобланади.[5]

$$K_{ит} = \frac{\text{истеъмол савати нархи}}{\text{аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача ойлик даромад}} \quad (1)$$

Агар бу кўрсаткич бир сонига яқинлашса демак, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари олишга иқтисодий таъминланганлигини камайганлигини билдиради. Бундан ташқари ушбу коэффицентни аниқлашда аҳолининг турли табақаларини даромади ва истеъмол саватини алоҳида ўрганиш озиқ-овқат маҳсулотлари уларнинг даромадларига мос келувчи талабига қанчалик етарли даражада эканлигини кўрсатади.

ФАО ташкилотининг классификациясига кўра кунига 2150 ккал ва ундан кам энергияга эга озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилаётганлар очарчиликдан азият чекаётганлар дейилади. Шундан келиб чиқиб таъминланганликнинг критик даражаси коэффицентини қуйдаги формула билан ҳисоблашимиз мумкин бўлади:

$$K_{кд} = \frac{\text{Умумий калория 2150 ккал}}{\text{аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад}} \quad (2)$$

Озиқ-овқат маҳсулотлари фақатгина етарли миқдорда бўлиб қолмасдан улар медицина томонидан белгиланган нормаларга мос қувватга эга бўлиши керак. ФАО нинг тавсиясига кўра инсонлар бир кун давомида ўртача 3000 ккал энергияга тенг келадиган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилишлари керак. Истеъмолнинг етарлилик коэффиценти қуйдаги қормула билан аниқланади:

$$K_{ис} = \frac{\text{Кунлик истеъмол миқдорининг коллорияси}}{3000 \text{ ккал}} \quad (3)$$

Агар формуладаги 3000 ккал ўрнига 2150 ккал ни қўйсақ озиқ-овқат маҳсулотлари етарлилигининг критик коэффиценти формуласи ҳосил бўлади:

$$K_{ис} = \frac{\text{Кунлик истеъмол миқдорининг коллорияси}}{2150 \text{ ккал}} \quad (4)$$

Етарлиликнинг хусусий коэффиценти ҳар бир озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича алоҳида қуйдаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$K_{ис} = \frac{\text{Маҳсулотнинг ҳақиқатдаги истеъмоли}}{\text{Маҳсулотни истеъмол қилишнинг медицина меъёри}} \quad (5)$$

Озиқ-овқат маҳсулотлари етарлилик даражаси одатда импорт маҳсулотларни ҳам ўз ичига олади ва бу ўз навбатида мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир этади. Кўпчилик мамлакатлар озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилишлари сабабли жаҳон бозорида уларнинг нархларини баланд бўлиши таъминган. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражасини, амалдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол миқлори ва озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг меъёри билан аниқлаш зарур. Бунда ҳақиқатдаги истеъмол ва меъёри истеъмол коэффицентлари ҳисобланади. Ҳақиқатда таъминланганлик даражаси коэффицентини аниқлашда ҳақиқатдаги озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли асос қилиб олинади ва меъёрий истеъмолни аниқлашда – озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг медицина томонидан таклиф этилган меъёрлари асос қилиб олинади.

Умумий коэффицент барча маҳсулотлар учун баҳоларда ва баъзилари учун натура кўринишида ҳисобланади. Шундай қилиб мамлакат миқийёсида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари олишни иқтисоди жиҳатдан таъминланганлик ва етарлилик коэффицентларини ҳисоблаш зарур.

Озиқ-овқат хавфсизлиги миқдорий баҳолаш икки гуруҳ кўрсаткиларида ўз ифодасини топади:

1. Аҳолининг турли даражадаги даромадга эга гуруҳларининг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли даражаси ва ўзгариш динамикасида;
2. Мамлакатнинг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини-ўзи

таъминлай олиш даражасида. [5]

Иккала кўрсаткич таркибида аҳолининг реал истеъмол даражаси ва меъерий истемол даражаси алоҳида аҳамият каб этади. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг меъерий даражаси уларнинг истеъмолини юқори ва қуйи чегараларини билгилаб беради. Бунда медицина томонидан белгиланган меъёрлар, илмий асосланган ижтимоий меъёрлар ҳамда илгари эришилган истеъмол ҳажми муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бизнинг фикримизча юқоридаги меъёрлар билан биргаликда, озиқ-овқат маҳсулотлари импорти ва миллий ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий имкониятларини характерловчи истеъмолнинг ҳақиқий даражаси ва кутилаётган прогноз кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу нарса аниқки, аҳолининг турмуш фаровонлигининг яхшиланиши ёки аксинча бўлиши озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражасига боғлиқдир.

Аҳоли озиқ-овқат билан таъминланганлигининг энг умумлашган кўрсаткич ФАО тавсияси бўйича ҳар бир киши суткалик овқатланиш рационининг калория миқдори ҳисобланади.

Ҳозирги даврда озиқ-овқат маҳсулотларини ўртача суткалик истеъмол қилиш Европа Иттифоқи мамлакатларида 3390 ккал, АҚШда - 3650, Латин Америкасида - 2790, ривожланаётган Осиёда 2650 ккални ташкил этади. Суткалик овқатланиш рационини Ўзбекистонда ўртача 2700 - 2800 ккални ташкил этади.

Суткалик овқатланиш калориялигини ошириш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва халқ фаровонлигини юксалтириш билан боғлиқ бўлиб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ, маҳсулот турлари бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол миқдори, ижтимоий ривожланиш индекси – узоқ умр кўриш даражаси, аҳолининг маълумот даражаси ва ҳ.к. билан аниқланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Сергеев, Е.Ю. Международные экономические отношения: Курс лекций. - М.: Информационно-внедренческий центр «Маркетинг», 2002. – 328 с.
2. Ломакин, В.К. Мировая экономика: Учебник для вузов. - 2-е изд., пер. и доп. -М.: ЮПИТИ-ДАНА, 2001 с 195-196
3. Абалкин, Л.И. Избранные труды: в 4 т, Т. 4, В поисках новой стратегии: К цели через кризис. Поиск пути в меняющемся мире. Интересы России, ее экономическая безопасность, бегство капитала и новый шанс. - М.: Экономика, 2000. С 337.
4. Емельянов, А. Продовольственная бедность населения России: истоки и пути преодоления/ А. Емельянов // Экономист. - 2003. - №10. - с. 80
5. Мировая экономика / Под ред. проф. И.П. Николаевой. - 2-е изд., пер. и доп. - М.: ЮНИТИ - ДАНА, 2002. с. 135-142